

**Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги
вазирлиги хузуридаги Жамоатчилик Кенгаши Мажлиси
Баёни №1**

2024 йил 27 июнь

Тошкент шаҳри

Иштирок қилдилар:

- И.Ахмедов** - Жамоатчилик кенгаши раиси
“Қишлоққурилишлойиҳа” ДМ бош директори
- Э.Камилов** - Жамоатчилик кенгаши раиси ўринбосари
Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-
тадқиқот институти директори ўринбосари;

Жамоатчилик кенгаши аъзолари:

- Б.Хазраткулов** -“Узоғирсаноатлойиҳа” АЖ бош директори
- Ш.Содиқов** - Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-
тадқиқот институти директори
- Б.Убайдуллаев** -“ТошуйжойЛИТИ” АЖ бош директори
- Н.Расулматова** -“УзшаҳарсозликЛИТИ” ДМ ходимлар билан ишлаш
бўлими бошлиғи
- М.Назарова** -“ТошкентбошпланЛИТИ” ДМ ходимлар билан ишлаш
бўлими бошлиғи
- М.Загруддинов** -Ахборот-коммуникациялар технологияларини
ривожлантириш маркази директори
- А.Кулдашев** -Компетенцияни ривожлантириш институти ректори

Кенгаш котиби:

- Д.Юнусова** -Ахборот-коммуникация технологияларини
ривожлантириш маркази иш юритувчиси

Кун тартиби:

Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг 2024 йил 9 апрелдаги 111-сонли буйруғи билан тасдиқланган Жамоатчилик кенгашининг 2024 йилги иш режасига асосан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигига таълуқли унинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва қарорларини такомиллаштириш таклифлар киритиш тўғрисида.

Кун тартибидаги масала бўйича Жамоатчилик кенгаши раиси И.С.Ахмедов бугунги кунда мутахассисларни ўқитиш сертификатлаштириш тизими ҳамда лойиҳа ташкилотларининг рейтингини шакллантириш бўйича қарорга тегишли ўзгартиришлар киритиш юзасидан кўплаб лойиҳа ташкилотлар томонидан оғзаки таклиф ва фикрлар билдирилмоқда. Жумладан, кўп йиллик меҳнат стажига эга мутахассислар сертификат олиш учун ўқитилганда имтихон топширганларида меҳнат стажларини инобатга олиб кўшимча баллар кўшиб бериш, шунингдек лойиҳа ташкилотлари рейтинги

бўйича ҳам намунавий лойиҳаларни ишлаб чиқган лойиҳа ташкилотларига рейтинг тизимида қўшимча баллар қўшиб бериш тизimini жорий этиш таклифлари билдирилаётганлиги таъкидлади.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 11 сентябрдаги "Шаҳарсозлик ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳалари мутахассисларини сертификатлаш тизimini жорий этиш тўғрисида"ги 460-сон қарорини ўрганиб чиқиб, яъни мазкур қарор билан 2025 йил 1 январдан бошлаб сертификатга эга бўлмаган мутахассисларга хавфлилик даражаси II, III ва IV тоифали қурилиш объектларининг, шунингдек, бюджет тизими бюджетлари хисобидан молиялаштириладиган I тоифали қурилиш объектларининг архитектура-шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш, шаҳарсозлик ҳужжатларини экспертизадан ўтказиш, техник назоратни амалга ошириш, қурилиш-монтаж ишлари сифатини назорат қилиш ва назорат ўлчовини амалга ошириш тақиқланиши белгиланган. Ушбу қарор талаблари асосида бугунги кунда лойиҳа ташкилотларининг мутахассислари ўқитилиши йўлга қўйилган ва ўқиш якуни бўйича тест синовлари ўтказилиб тегишли сертификатлар берилиши жорий қилинган.

Жамоатчилик Вазирлар Маҳкамасининг 2023 йил 11 сентябрдаги "Шаҳарсозлик ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳалари мутахассисларини сертификатлаш тизimini жорий этиш тўғрисида"ги 460-сон қарори талабларини ўрганиб чиқилиб қуйидаги таклифларни киритилишини ва амалга жорий этилишини таклиф қилинмоқда:

Ўқитилаётган мутахассислар ўқиётган йўналишида кўп йиллик меҳнат стажига эга бўлса тест имтихон синовлари якуни бўйича қўшимча баллар қўшиб бериш, яъни ўз йўналиши бўйича:

-10-20 йилгача меҳнат стажига эга мутахассисларга - 5 балл;

-20 йилдан ортиқ меҳнат стажига эга мутахассисларга - 10 балл қўшилишини жорий қилиш.

Намунавий лойиҳаларни ҳамда намунавий тугунларни ишлаб чиқишда қатнашиб ҳамда лойиҳалаш соҳасида фаол иштирок этаётган лойиҳа ташкилотларини эътиборга олиб, амалдаги лойиҳа ташкилотлари рейтинги тизимида шундай лойиҳа ташкилотларига қўшимча равишда 10 балл қўшиб беришни жорий қилиш таклиф қилинди.

Шундан сўнг, Мажлисида Жамоатчилик Кенгаши раиси ўринбосари Э.Камилов, Жамоатчилик кенгаши аъзолари ҳам бир овоздан юқоридаги таклифларни Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигига киритиш лозимлигини маъқуллашди.

Кун тартибидаги масала жамоатчилик кенгаши раиси, ўринбосари ва аъзолари билан биргаликда муҳокама қилиб, йиғилиш

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирининг 2024 йил 9 апрелдаги 111-сонли буйруғи билан тасдиқланган Жамоатчилик кенгашининг 2024 йилги иш режасига асосан Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги

вазирлиги таълуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва қарорларини такомиллаштириш бўйича билдирилган таклифлар вазирликга киритилиши маъқуллансин.

2. Сертификатлаштириш ва лойиҳа ташкилотлари рейтингини бўйича юқорида маъқулланган қуйидаги таклифлар:

Ўқитилаётган мутахассислар ўқиётган йўналишида кўп йиллик меҳнат стажига эга бўлса тест имтиҳон синовлари якуни бўйича қуйидагича қўшимча баллар қўшиб бериш, яъни ўз йналиши бўйича:


-10-20 йилгача меҳнат стажига эга мутахассисларга - 5 балл;

-20 йилдан ортиқ меҳнат стажига эга мутахассисларга - 10 балл қўшилишини жорий қилиш;

Шунингдек, намунавий лойиҳаларни ҳамда намунавий тугунларни ишлаб чиқишда қатнашиб келаётган ҳамда лойиҳалаш соҳасида фаол иштирок этаётган лойиҳа ташкилотлари эътиборга олиб, амалдаги лойиҳа ташкилотлари **рейтинги тизимида шундай лойиҳа ташкилотларга қўшимча равишда 10 балл қўшиб беришни жорий қилиш таклифларини** Курилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигига киритилсин.

3. Жамоатчилик Кенгаши раиси, ўринбосари ва аъзолари доимий равишда соҳа бўйича жамоатчилик фикрларини ўрганиб бориш ва заруриятга қараб Кенгаш муҳокамасига киритилишини таъминлаш топширилсин.

Жамоатчилик кенгаши раиси



И.Ахмедов


Жамоатчилик кенгаши
раиси ўринбосари



Э.Камилов

Жамоатчилик кенгаши аъзолари:

“Узоғирсаноатлоиҳа” АЖ бош директори



Б.Хазраткулов

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш
илмий-тадқиқот институти директори




Ш.Содиқов

“ТошуйжойЛИТИ” АЖ бош директори




Б.Убайдуллаев

Ахборот-коммуникациялар технологияларини
ривожлантириш маркази директори



М.Загруддинов

Компетенцияни ривожлантириш
институти ректори



А.Кулдашев

“УзшаҳарсозликЛИТИ” ДМ ходимлар
билан ишлаш бўлими бошлиғи



Н.Расулматова

“ТошкентбошпланЛИТИ” ДМ ходимлар
билан ишлаш бўлими бошлиғи



М.Назарова

Кенгаш котиби



Д.Юнусова